Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 25 ИЮНЬ, ШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 129 (13.192)

Баҳоси эркин нархда

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ТОШКЕНТ САММИТИ

2016 йил 23-24 июнь кунлари Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлис Ўзбекистон Республикаси раислигида ўтди.

ШҲТ саммити ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида ўтган учрашувда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Мажлисда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш, ШҲТ фаолиятини кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти 2001 йил 15 июнда Шанхай шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон имзолаган ШҲТни ташкил этиш тўғрисидаги декларация асосида тузилган. Ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар, энергетика, транспорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзи қамраган минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ташкилотнинг асосий мақсад ва вазифалари этиб белгиланган.

ШҲТ Хартиясида аъзо давлатлар мустақиллик, ҳудудий яхлитлик ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро англашув ва фикрларни инобатга олиш, ички ишларига аралашмаслик, халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик ва келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойилларига амал қилиши қайд этилган.

Ўтган 15 йилда ташкилотнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди, котибияти ва таркибий тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди. ШҲТ нуфузли давлатлараро ташкилот сифатида халқаро майдонда мустаҳкам ўрин эгаллади, кўп томонлама ҳамкорликнинг самарали механизмига айланди.

Ўзбекистон ташкилотнинг асосчиларидан бири, улкан иқтисодий ва геосиёсий салоҳиятга эга давлат сифатида унинг фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Мамлакатимиз ШҲТга савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, терроризм, экстремизм, гиёҳванд моддалар ва қуролярогларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда муҳим восита сифатида қарайди.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига учинчи маротаба раислик қилмоқда. Мамлакатимиз ШҲТга 2003-2004 ҳамда 2009-2010 йилларда раислик қилган.

Ўзбекистоннинг ташкилотга биринчи раислиги ҳам ШҲТ фаолиятини янги мазмун билан бойитган. 2004 йил 17 июнда Тошкентда бўлиб ўтган саммит доирасида пойтахтимизда ташкилотнинг доимий фаолият юритувчи органи – Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси очилган. Хавфсизлик кенгашлари котиблари учрашуви йўлга қўйилган. Бу ишлар ШҲТнинг асосий мақсадларидан бўлган тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, турли таҳдид ва хавф-хатарларнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда.

2004 йилдаги саммитда ШҲТнинг ваколатлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенция, Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисидаги битим, ШҲТ ҳузуридаги кузатувчи мақоми тўғрисидаги низом ва бошқа қатор ҳужжатлар имзоланган. Покистон, Ҳиндистон, Эрон ва Мўғулистонга ШҲТ ҳузуридаги кузатувчи давлат мақоми берилган. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўша йилги саммитга Афғонистон раҳбари илк бор меҳмон сифатида таклиф қилинган. Кейинчалик Афғонистон ШҲТ ҳузуридаги кузатувчи давлат мақомига эга бўлди.

Ўзбекистоннинг иккинчи раислиги даврида амалга оширилган ишлар ҳам ШҲТ фаолиятини янги босқичга кўтарди. 2010 йил апрель ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Муннинг мамлакатимизга ташрифи чоғида ШҲТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди. Бу Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг мазкур глобал тузилма билан ўзаро алоқаларига асос бўлиб келмоқда.

2010 йил 11 июнь куни Тошкентда ўтган саммитда, шунингдек, ташкилот доирасидаги масалаларни ҳал этишда муҳим ҳужжатлар – ШҲТнинг иш юритиш қоидалари ва ШҲТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом имзоланган.

(Давоми 2-бетда)

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 июнь куни Кўксаройда Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Покистон Ислом Республикаси Президенти Мамнун Ҳусайн, Мўғулистон Республикаси Президенти Цахиагийн Элбегдорж билан учрашувлар ўтказди.

Ислом Каримов Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан учрашувда унинг юртимизга илк ташрифи мамлакатларимиз ҳамкорлигини янги босқичга кўтаришга хизмат қилишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Афғонистон халқларининг тарихи муштарак, урф-одат ва анъаналари ўхшаш.

Ўзбекистон ҳамиша "Қўшнинг тинч – сен тинч", деган ҳикматга амал қилиб, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, унинг иқтисодиётини тиклаш тарафдори бўлиб келмоқда. Мамлакатимиз Афғонистонга электр энергияси, мева-сабзавотлар, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар экспорт қилмоқда. 2016 йилнинг дастлабки тўрт ойида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 14 фоиз ошди.

Учрашувда ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти самимий учрашув учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, Афғонистон мамлакатимиз билан ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов билан Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев учрашувида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон минтақада тинчлик, барқарорликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой темир йўли бунга яққол мисолдир. Ушбу замонавий транспорт йўлаги мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг янада кенгайишида муҳим аҳамият касб этади.

Учрашувда савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Алмазбек Атамбоев самимий учрашув учун давлатимиз раҳбари Ислом Каримовга миннатдорлик билдириб, ШҲТ саммити ўрнак оладиган даражада юқори савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлади. Қирғизистон Ўзбекистон билан яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга интилишини қайд этди.

Ислом Каримов Покистон Ислом Республикаси Президенти Мамнун Ҳусайн билан мулоқотда унинг юртимизга илк ташрифини мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожида муҳим воқеа, деб билишини таъкидлади.

Покистон Ўзбекистонга яқин қўшни, улкан иқтисодий салоҳиятга эга давлат. Мамлакатларимиз ҳамкорлиги минтақада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади.

Давлатларимиз минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзбекистон Покистоннинг ШҲТга аъзо давлат сифатида қабул қилинишини қўллаб-қувватлаб, ташкилотга раислиги даврида бу масалага алоҳида эътибор қаратди. Бу борада Ҳаракат дастурини ишлаб чиқди ва амалга оширди. Саммит доирасида ШҲТда аъзо давлат мақомини олиш мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоланиши унинг амалий натижаси бўлди.

Учрашувда ўзаро алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Мамнун Ҳусайн ўзбекона меҳмондўстлик ва мазмунли суҳбат учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Покистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов Мўғулистон Республикаси Президенти Цахиагийн Элбегдорж билан учрашувда унинг мамлакатимизга ташрифи ўзаро ҳамкорликни фаоллаштиришга кенг йўл очишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Мўғулистонда ҳамкорликни ривожлантириш учун имкониятлар кўп. Турли соҳаларни ўрганиш, фойдаланилмаётган ресурсларни ишга солиш, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатига хизмат қилади.

Учрашувда савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди.

Мўғулистон Президенти самимий учрашув учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, ШҲТ саммити юксак савияда ташкил этилганини қайд этди. Мўғулистон мамлакатимиз билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

(ЎзА)

УЛУҒ ШОИР ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 июнь куни атоқли рус шоири Александр Сергеевич Пушкин ҳайкали қад ростлаган майдонга ташриф буюрдилар.

Бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил-иноқ истиқомат қилаётган мамлакатимизда барча миллат вакилларининг анъаналарини, урф-одатларини асраб-авайлашга оид ҳуқуқий кафолатлар яратилган. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида адабиёт ва санъатни равнақ топтириш, шунингдек, жаҳон адабиётининг энг яхши асарларини ўзбек тилига таржима қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон ва Россия халқлари бир-бирининг адабиёти ва санъатини яхши билади. Пушкин ҳайкали ўрнатилган майдон пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг севимли масканларидан биридир. Ўзбекистонда Рус миллий маданият маркази ишлаб турибди. М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

Москва шаҳри марказида буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг улуғвор ҳайкали қад ростлаб турибди.

Ўзбекистонда жаҳон мумтоз адабиёти намояндаларининг ўлмас меросини ўрганиш, тарғиб этиш, улардан ёш авлодни умумбашарий эзгу ғоялар руҳида тарбиялашда кенг фойдаланишга оид эзгу ишлар А.С.Пушкин ижодини ўрганишда ҳам яққол акс этмоқда. Жорий йилда Александр Пушкин таваллудининг 217 йиллиги кенг нишонланди. Асарларида тинчлик, дўстлик, муҳаббат, эркинлик ғояларини тараннум этган шоир ижодига бағишланган турли кечалар, маърифий тадбирлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Пушкин ҳайкали пойига гул қўйдилар.

Майдонда амалга оширилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олий мартабали меҳмонда катта таассурот қолдирди. Россия Федерацияси Президенти Ўзбекистонда жаҳон адабиётининг буюк намояндалари қатори Александр Сергеевич Пушкин ижоди, адабий мероси юксак қадрланиши, шоир хотирасига бунёд этилган ёдгорлик халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик муносабатларининг ёрқин ифодаси эканини таъкидлади.

Владимир Путин Ўзбекистонга ташрифи ғоят самарали бўлганини алоҳида таъкидлаб, самарали музокаралар учун Президентимиз Ислом Каримовга самимий миннатдорлик билдирди. Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги даврида ташкилот фаолиятини янада фаоллаштириш бўйича мамлакатимиз амалга оширган ишларга юксак баҳо берди. Ишчанлик руҳида ўтган Тошкент саммити ШҲТ давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, уни янги мазмун билан бойитишга хизмат қилишини алоҳида қайд этди.

Тошкент халқаро аэропортида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кузатиб қўйди.

(ЎзА)

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ТОШКЕНТ САММИТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси 2015 йил 11 июлдан буён ташкилотга раислик қилиб келмоқда. Мамлакатимиз аъзо давлатлар билан биргаликда ШҲТ доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро алоқалар мувофиқлашувини яхшилаш, ташкилотнинг халқаро майдондаги ролини кучайтириш юзасидан салмоқли ишларни амалга оширди. ШҲТнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ ташаббусларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш орқали ташкилот фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратди.

Давлат раҳбарлари ШҲТнинг 15 йиллик фаолияти асосий натижаларини кўриб чиқдилар. Ташкилот нуфузли ва аҳамиятли тузилма сифатида халқаро майдонда мустаҳкам ўрин эгаллагани алоҳида таъкидланди.

Мажлисда халқаро терроризм, экстремизм ва унинг бошқа кўринишлари бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатлари учун бирдек хавф солаётгани алоҳида таъкидланди. Ушбу таҳдидларга фақат ҳамкорликда, жаҳон ҳамжамияти ҳаракатларини бирлаштириш орқали қарши курашиш мумкинлиги қайд этилди.

ШҲТ Хартияси қоидалари ва бошқа ҳужжатларига мувофиқ терроризм, сепаратизм ва экстремизмга, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши, қуроляроғ, ўқ-дори ва портловчи моддалар билан ноқонуний савдо, оммавий қирғин қуроллари ва уларни етказиб бериш воситалари тарқалишига қарши биргаликда курашиш ШҲТ доирасидаги ўзаро ҳамкорликнинг устувор вазифаларидан бири экани таъкидланди.

Ўзаро ҳамкорлик, давлат суверенитетини ҳурмат қилиш ва бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашмаслик принципларига асосланган ҳолда, хавфсиз, холис ва очиқ ахборот маконини яратишга доир саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Мажлисда кўп томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, минтақа ва дунёдаги вазиятга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Иқтисодиётнинг пасайишига қарши самарали курашиш борасида тажриба алмашиш, инновацион технологияларни жорий қилиш, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, ҳамкорликнинг устувор йўналишларида узоқ муддатли ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш ва инфратузилмани ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда транспорт коммуникациялари, энергетика, маданият, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида кузатувчи мақомидаги мамлакатлар делегациялари раҳбарлари – Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Мўғулистон Республикаси Президенти Цахиагийн Элбэгдорж, Покистон Ислом Республикаси Президенти Мамнун Ҳусайн, Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Муҳаммад Зариф, саммит меҳмони – Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов ҳам иштирок этди. Шунингдек, мажлисда ШҲТ Бош котиби Рашид Алимов, Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси директори Евгений Сисоев қатнашди.

Саммитда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ўринбосари Жефри Фелтман, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедев, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош котиби Николай Бордюжа, АСЕАН Бош котиби Ле Лионг Минь, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг ижрочи директори Гун Цзяньвэй ҳам иштирок этди.

Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикасининг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар имзолангани Тошкент саммитининг муҳим воқеаларидан бўлди.

Ҳиндистон ва Покистоннинг ШҲТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси мақомига эга бўлиши ташкилот имкониятларини кенгайтириб, халқаро майдонда долзарб муаммоларни ҳал этиш, минтақа ва умуман дунёда хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлайдиган кўп томонлама механизм сифатида ташкилот ролини янада оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Давлат раҳбарлари Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Камбоджа Қироллиги ва Непалга ШҲТнинг мулоқот бўйича шериклари мақомини бериш тўғрисидаги меморандум имзоланишини маъқулладилар.

Музокаралар якунида ШҲТ ўн беш йиллигининг Тошкент декларацияси, ШҲТнинг 2025 йилгача ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ШҲТга аъзо давлатларнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш дастури ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг ШҲТга раислик давридаги фаолиятига юксак баҳо берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мажлис ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар ШҲТга аъзо ва кузатувчи давлатлар манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

ШҲТ Бош котиби Рашид Алимов Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги тарихий аҳамиятга эга бўлганини, бу даврда барча тадбирлар, жумладан, Тошкент саммити юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси халқи ва раҳбариятига самимий миннатдорлик билдирди.

Шу билан ШҲТнинг Тошкент саммити якунига етди. У ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида муҳим келишувларга эришилган саммит сифатида ШҲТ тарихидан алоҳида ўрин олади.

ШҲТга раислик Қозоғистон Республикасига ўтди.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА мухбири

Юртимизда ахборот-коммуникация тармоқлари жадал ривожланаётгани туфайли интернет хизматидан фойдаланиш кўлами тобора кенгаймоқда. Миллий матбуот марказида "Асака" банки мутасаддилари иштирокида бўлиб ўтган анжуман "Банк фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва мижозларга қулай шарт-шароитлар яратиш борасида белгиланган чора-тадбирлар" мавзусига бағишланди.



БАНК ХИЗМАТЛАРИДА АКТНИНГ ЎРНИ

Таъкидланганидек, кейинги йилларда йирик корхона ва ташкилотларга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳамда жисмоний шахсларга "Асака" банки томонидан сифатли хизматлар кўрсатишга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу борада ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ Республикамиз Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Зеро, бугунги кунда АКТ воситаларидан янада кенгроқ фойдаланиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

"Асака" банки Ахборот технологиялари департаменти бошлиғи Шуҳрат Комиловнинг маълумот беришича, 2015 йил июль ойида банкда "Ахборот ресурслари ва интерактив хизматларни ривожлантириш сектори" ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифаси мижозларга интернет орқали кўрсатилаётган хизматлар турини кўпайтириш, ривожлантириш ва қулайлигини таъминлашдан иборатдир.

Хусусан, бугунги кунда интерактив режимга ўтказилган хизматлар сони 24 тани ташкил этади. Ҳар бир мижоз банкнинг веб-сайти орқали тақдим этилаётган интерактив хизматлардан ҳеч қандай чекловларсиз ва бепул фойдаланиш имконига эга. Мижозлар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ташкил этилган Интерактив давлат хизматларининг ягона портали орқали ҳам ўз мурожаатларини амалга ошириши мумкин.

Кейинги пайтда "SMS банкинг" хизматидан фойдаланувчилар сони 105,5 мингдан ошиб, бу хизмат тури мижозлар ўртасида катта муваффақият қозонди.

2016 йил 2 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинганлиги ҳам АКТни ривожлантиришда яна бир қадам бўлди. Унда электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибининг такомиллаштирилиши давлат органлари ҳужжатларининг мажбурий равишда бир хиллигини таъминлаш, электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш натижасида яратилган ахборот тизимларининг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали билан интеграциялашувини амалга ошириш, бунинг эса доимий асосда электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан таъминланиши белгиланди.

Қарор асосида "Электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида"ги Низом ҳам қабул қилинди.

Матбуот анжуманида "Асака" банкининг келгусида мижозларга кўрсатилаётган банк хизматлари турларини кенгайтириш, сифати ва тезкорлигини янада ошириш, хизматлар кўрсатишда АКТ ютуқларини кенгроқ қўллаш бўйича фаол ишлар олиб бориши тўғрисида айтиб ўтилди.

З.ШАРИФЖОНОВ

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғонада бўлиб ўтган "Ёш сиёсатчи – 2016" кўрик-танловининг вилоят босқичида 20 нафар ёш ижтимоий лойиҳа тақдимоти, савол-жавоб ва нотиқлик санъати бўйича ўз билим ва маҳоратини намойиш қилди.

● Андижон вилоятининг Марҳамат туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли, айниқса, касб-ҳунар коллежи битирувчилари ва хотин-қизларнинг банк хизматларидан фойдаланишини янада кенгайтириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда банк мутахассислари, тадбиркор ва ҳунарманд хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иштирок этди.

● Гиёҳвандликка қарши курашиш ойлиги доирасида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилояти кенгаши ҳамда вилоят наркология диспансери ҳамкорлигида жойларда тиббиёт ходимлари иштирокида учрашувлар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Жомбой маиший хизмат касб-ҳунар коллежида ташкил этилган тадбирда ҳудуддаги маҳаллалар ёшлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда саломатлик маркази шифокор-мутахассислари гиёҳвандлик ва чекишнинг зарарли оқибатлари ҳақида сўз юритиб, бу иллатлар инсоният келажагига таҳдид солаётган энг муҳим глобал муаммолардан бири эканини таъкидлади.

● Жорий йилда Сурхондарё вилоятида хусусийлаштирилиши ва "ноль" қийматида берилиши белгиланган 33 давлат кўчмас мулки объектидан келгусида самарали фойдаланиш эвазига 50 миллиард сўмдан ортиқ инвестиция киритилиб, 1 минг 500 дан зиёд янги иш ўрни ташкил этиш мўлжалланган.

ЖАҲОНДА

● Уч киши Кипрдаги Айя-Напа курортида рўй берган отишма қурбонига айланди.

● Францияда бўлиб ўтаётган футбол бўйича Европа чемпионати пайтида мамлакатда телевизор савдоси сезиларли даражада ошди, шунингдек, уйга таом буюртма қилиш ҳажми ҳам кўпайди. Чунончи, Toluna компаниясининг сўровномасига кўра, 12,1 фоиз респондентлар Евро-2016 мусобақалари олдидан янги телевизор сотиб олишганини маълум қилишди. Бу 1,7 миллионта янги техника харид қилинганини англатади.

● Американинг жануби-ғарбий ҳудудларида ҳаво ҳарорати 47 даражагача кўтарилди. Жазирама иссиқ табиий ёнғинларни ҳам келтириб чиқарди. Кучли иссиқ натижасида тўрт киши ҳаётдан кўз юмган. Фавқулодда иссиқ ҳаво оқими Калифорния, Нью-Мексика, Невраданинг жануби ҳамда Аризона штатининг айрим туманларида кузатилган.

ВАТАНГА ХИЗМАТ — МУҚАДДАС БУРЧ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли олий ҳарбий таълим муассасаларида битирувчиларга диплом ва ҳарбий унвон топширишга бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.



ЎзА олган сурат

Жумладан, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети ҳамда Тошкент Тиббиёт академиясининг ҳарбий-тиббиёт факультетида ўтказилган битирув маросимларида Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, давлат ва жамоат ташкилотлари, вазирлик ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши вакиллари ҳамда битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этишди.

Бугунги кунда Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасаларида замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнларига таълимнинг инновацион шакл ва усуллари жорий этилмоқда. Бу эса ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимини янги услублар билан бойитишга хизмат қилаётир.

– Вазифамиз жуда масъулиятли, сабаби ҳарбий хизматчиларнинг саломатлиги бизга боғлиқ, – дейди Тошкент Тиббиёт академиясининг ҳарбий-тиббиёт факультети битирувчиси Фарҳод Янгибоев. – Шундай экан, фаолиятимиз мобайнида бор билим ва маҳоратимизни ишга солмоғимиз лозим. Бизга малакали мутахассислар томонидан таълим берилди. Келажакда бизга билдирилган ишончни оқлашга, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида сидқидилдан хизмат қилишга интиламиз.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида қўшинларга йўлланма олган лейтенантларни Қуролли Кучлар шахсий таркибининг жанговар тайёргарлигини янада кучайтириш, тактик, ўқув машқларни пухта режалаштириш, ҳарбий хизматчиларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасида бор билим ва кўникмаларини ишга солишига ишонч билдиришди. Эгнига офицерлик либосини кийган ўғлонларга юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларида муваффақиятлар тиладилар.

Абдуалим САЛИМОВ

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚАБУЛ БОШЛАНДИ

Жорий йилнинг 20 июнидан 2016/2017 ўқув йили учун Республикамизнинг барча олий таълим муассасаларида абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиш кўтаринки руҳда бошланди. Бу жараён Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ҳам қизғин кечмоқда.

Мазкур таълим даргоҳида Президентимизнинг 2016 йил 26 майдаги "2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги Қарори асосида абитуриентларни қабул қилишга пухта ҳозирлик кўрилди.

— Абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари учун барча зарур шарт-шароитлар муҳайё этилган, — дейди ЎзМУ қабул комиссияси масъул котиби Ҳожиакбар Далиев. — Хусусан, қабул жараёни билан боғлиқ барча маълумотлар, шунингдек, университет фаолияти ва факультетлари ҳаётини акс эттирувчи стенд ва видеороликлар абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари эътиборига ҳавола этиб борилмоқда. Шунингдек, "Ўзбекистон Миллий университети" газетасининг махсус сони ҳам чоп этилиб, унда бу йилги қабул жараёни билан боғлиқ янгиликлар, киритилган ўзгаришлар, университетимиз ҳаёти ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Янги ўқув йилида Ўзбекистон Миллий университетининг биология, география ва геология, журналистика, ижтимоий фанлар, иқтисодиёт, кимё, математика, тарих, физика, хорижий филология факультетларига ўз ихтисослиги бўйича 37 йўналишда 1324 нафар абитуриентлар талабалик сафига қабул қилинади.

— Мен Тошкент шаҳридаги 2-республика тиббиёт коллежини битирдим. Ниятим таҳсилни шу университетнинг биология факультетида давом эттириб, ўзим қизиққан соҳа бўйича малакали мутахассис бўлиб етишиш, — дейди Мунира Йўлдошева. — Албатта, бунда коллежда олган билимим ва тест синовларигача бўлган муддатда тайёргарлик жараёни ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Баҳриддин ХУШБОҚОВ,
"Туркистон-пресс"
мухбири

БЕТАКРОР ЎЗБЕК БРЕНДИ

Маърифатнинг аҳди

...Маърифат хорижга учиб кетишига озгина вақт қолганига қарамай, аэропортга эмас, маҳаллага шошилди. Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этиб, ўзи муносиб деб ҳисоблаган номзодларга овоз берди.

Маҳалладошлар уни кўриб ҳайрон бўлди: кеча Жамолиддин ака қизининг хорижга ўқиш учун жўнаб кетаётганини айтганди. Қизи эса сайлов участкасида юрибди.

– Сайлов натижалари маҳалламиз ҳаёти, эртанги куни, тараққиёти, осойишталиги, ободлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди, – дейди Маърифат Темирова. – Мен қаерда бўлмайин, шу юрт фарзандиман. Унинг келажаги – менинг ҳам келажагим.

Маҳалладошлар Маърифатнинг қатъиятига, маҳалла сайловига бунчалик куюнчаклик қилаётганига ҳавас қилди.

Дарҳақиқат, одамларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ошгани, эл-юрт ва Ватан тақдирига дахлдорлигининг кучайгани мамлакатимизда ўтаётган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Яқинда "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровномада турли ижтимоий қатламга мансуб фуқароларнинг деярли барчаси мустақиллик йилларида маҳалла институтининг нафақат маънавий, балки сиёсий, иқтисодий, ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги ўрни мустаҳкамланганини алоҳида қайд этган. Иштирокчиларнинг аксарияти (96,8 фоиз) маҳалланинг ўзи ҳамда оиласи ҳаётида муҳим ўрин тутишини, истиқомат қилаётган ҳудудда осойишталик, барқарорлик, ободлик таъминланишида, демократик тамойиллар қарор топишида муҳим роль ўйнаётганини билдирган.

Хўш, мамлакатимизда бундай натижаларга қандай эришилди?

Маҳалла азалдан халқимизга хос бағрикенглик, аҳиллик, меҳр-оқибат маскани бўлиб келган.

Маҳалла тизими, айниқса, собиқ шўролар замонида кўп азият чеккан. Компартия томонидан ўтган асрнинг 30-йилларида маҳаллага тинимсиз ҳужумлар уюштирилган – кўплаб ҳужжатлар қабул қилинган. Ҳужжатларда маҳаллага "миллатчиликни, динни ёйиш ўчоғи" сифатида баҳо берилган. Уни тезроқ тугатиб, ўрнига "авомнинг онгига партия ғояларини сингдиришга қодир янги тарғибот марказлари – "қизил чойхоналар" ташкил этиш"га уринишлар бўлган.

Мустақиллик йилларига келиб бундай қарашларга батамом барҳам берилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятларимиз, удум ва анъаналаримиз қайта тикланди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида маҳалла институтининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Бугун маҳалла тузилмаси кенг оммани давлат, ҳокимият идоралари билан боғлаб турувчи мустаҳкам кўприк вазифасини ўтамоқда. Айни пайтда тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, ёшларни ватанпарварлик, ўзаро меҳр-оқибат, бунёдкорлик руҳида тарбиялаш каби миллий қадриятларимиз маҳалла билан боғлиқ ҳолда ривожланмоқда.

Қутлуғ маскан

Машҳура опа оппоқ либосга бурканиб, катта ҳаётга қадам қўяётган қизи Ноилага термуларкан, кўзларига ёш келди. Қизининг гўдаклигидан тортиб бугунги камоли – бир оиланинг бекасига айлангунга қадар ўтган йиллар хотирасида жонланди.

Машъум тасодиф туфайли турмуш ўртоғидан ажралган ёш жувоннинг жонига давлатимиз томонидан кўрсатилган ёрдам оро кирди. Маҳалланинг тавсиясига биноан Машҳурага моддий ёрдам тайинланганди.

Ўз вақтида кўрсатилган кўмак туфайли у ҳалол меҳнат қилиб рўзғор тебратди. Ёлғиз фарзандини ўқитиб, олий маълумотли қилди. Мана, бугун эл қатори тўй қилиб, узатмоқда. Шундай қувончли кунда ҳам маҳалла кайвонилари уни ёлғизлатиб қўймади, тўйга бош-қош бўлди.

Ҳа, бугун маҳалла аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес, касаначилик, ҳунармандликни ривожлантириш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш каби ўттиздан зиёд вазифа ва ваколатларни бажармоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг амалий ифодаси сифатида одамларнинг бошини қовуштирадиган, ёш авлодни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида камолга етказадиган қутлуғ масканга айланди.

Маслаҳатли тўй тарқамас

– Германиядан дўстимизни уйлантириб қайтдик, – деди яқинда бир танишим. – Шинамгина кафега ўн чоғли танишбилишлар йиғилди. Дўстим ота-онасига таклифнома юборса-да, улар келмаганидан афсусланди. Тўкин дастурхон, ўйин-кулги менга ҳам татимади...

Яқинда қўшнимиз Низом аканинг Самарқанд давлат университетида ишлайдиган ўғли бир гуруҳ чет эллик меҳмонларни уйига таклиф этибди. "Маҳалламизни таништиринг" деб мени уларга ҳамроҳ қилди. Чет элликлар қишлоғимизни айланиб, кўркамлигига, хушҳавосига мафтун бўлди. Айниқса, Маннон аканинг тўйи уларни лол қолдирди.

– Тўй сизларда шундай ўтадими? – деди ҳовлидаги ўрик соясига тўшалган гилам устида сабзи тўғраётган одамларга ишора қиларкан бири.

– Йўқ, ҳали бу маслаҳат оши, – дедим мен. – Тўй – индинга.

Меҳмон жилмайиб "Маслаҳат оши нима? – деб сўради. Унга қариндош-уруғ, қўни-қўшни, маҳалла-кўй йиғилиб, бўлажак тўйни қандай ўтказишни келишиб олишини тушунтирдим.

– Биргина тўй учун шунча одамнинг маслаҳат қилиши шартми? – деди у бошини сарак-сарак қилиб. – Келин-куёв ўзаро келишиб олса, бўлди-да.

Мен халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган ушбу эзгу удумимизни уларга тушунтириш мушкуллигини англадим. Ҳаёлимдан ажралишлар туфайли демографик инқироз ботқоғига ботиб бораётган давлатлар, халқимизнинг эса "Маслаҳатли тўй тарқамас", деган мақоли ўтди.

Миллий қадриятлар кўзгуси

Бугун мамлакатимиздаги барча маҳаллаларда энг улуғ, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олишга кенг ҳозирлик кўрилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори асосида байрамни кўтаринки руҳда нишонлаш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Қутлуғ айём арафасида ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият намояндалари, олимлар, спортчилар иштирокида ўтказилаётган "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остидаги маънавий-маърифий тадбирларда аждодларимизнинг асрий орзуси бўлган мустақилликка қандай машаққатлар билан эришилгани, истиқлол ато этган тенгсиз имкониятлар, бугунги кунда барча жабҳаларда эришилаётган асрларга татигулик улкан ютуқлар юртдошларимизга ҳаётий мисоллар асосида тушунтирилмоқда.

Мустақиллик байрами арафасида янги-янги маҳалла гузарлари, спорт майдончалари, оилавий поликлиникалар, ижтимоий объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда, мавжудлари таъмирланмоқда.

Маҳаллаларда ижтимоий ҳимояга муҳтож, серфарзанд оилалар, кексалар, эҳтиёжманд фуқаролар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатиш, ҳудудни ободонлаштириш, ҳар бир оиладаги муҳит, одамларнинг эзгу интилишларидан хабардор бўлишга оид амалий чора-тадбирлар кўлами янада кенгайгани одамларнинг руҳини кўтармоқда.

...Жиззаҳдан Тошкентга қайтаётиб, ёши олтмишларни қоралаб қолган аёл билан суҳбатлашиб келдик. Ўзини Маргарита хола деб таништирган онахон суҳбат орасида ўз ҳаётидан ибратли ҳикоялар айтиб берди.

– Одам ёши бир жойга борганда ҳам ақлсизлик қилиши мумкин экан, – деди у. – Кимларнингдир гапига учиб хорижга кўчиб кетгандим. Борганимга минг пушаймон бўлиб қайтиб келдим. Миллатдошларим орасида яшайман, деб ўйлагандим, адашган эканман. Ҳавосини баҳона қилдим, аслида ҳеч бир жиҳати менга тўғри келмади. Ўзбекистондек жаннатмонанд юрт, ўзбеклардек бағрикенг халқ дунёда йўқ эканини яна бир бор англаб етдим. Маҳалла-кўй ҳамиша ҳолингдан хабардор бўлиб турса, дўсту яқинларинг билан ҳар куни ҳамсуҳбат бўлсанг, ёлғизлигингни ҳис қилмас экансан. У ёқда мени, аввало, мана шу қийнади. Бу ерда тўй-маъракада биргамиз. Ҳурмат-эътиборим жойида. Яқинда маҳалламиз раиси бошчилигида бир гуруҳ фаоллар уйимга келиб, ҳол-аҳвол сўраб кетишди. Турли совғалар олиб келишибди, барака топгурлар. Маза қилиб, суҳбатлашиб ўтирдик. Ёшлар уй-жойимни саранжом-саришта қилиб берди. Ҳовлим ҳам кўнглимдек обод бўлиб қолди. Бундай эътиборга қанча шукрона айтсам кам... Илоҳим, жонажон Ўзбекистонимиздаги тинчликка кўз тегмасин. Байрамларимиз байрамларга уланаверсин!

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси

МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ АТРОФ-МУҲИТ МАСАЛАЛАРИ ГЕРМАНИЯДА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Германиянинг Гёттинген шаҳрида "Иқлим ўзгариши ва унинг Ўзбекистонда ердан фойдаланишга таъсири" мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси кўмагида Гёттинген университети ва Гулистон Давлат университети ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда мазкур немис университетининг профессорлари ва талабалари, ушбу олий ўқув юртида малака ошираётган хорижлик, жумладан, ўзбекистонлик ёш тадқиқотчилар иштирок этдилар.

Орол қуришининг оқибатларини бартараф этиш, Оролбўйи минтақасида экологик соғломлаштириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш юзасидан мамлакатимизда кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар тадбир қатнашчиларининг эътиборига ҳавола қилинар экан, Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласида Ўзбекистоннинг нуқтаи назарига алоҳида урғу берилди. Таъкидланганидек, трансчегара дарёлари бўйида янги гидротехника иншоотлари қуриш халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган меъёрларига мувофиқ равишда амалга оширилиши, сув ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш кафолатланиши ҳамда бунда минтақадаги барча давлатларнинг манфаатлари ҳисобга олиниши таъминланмоғи лозим.

Давра суҳбати чоғида Оролбўйи минтақасидаги инқирознинг экологик ва ижтимоий-иқтисодий қирраларини очиб берадиган "Орол денгизи фожиаси" номли ҳужжатли фильм намойиши тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Улар Орол муаммоси дунёнинг энг йирик экологик муаммоси, дея якдил фикр билдирдилар. Ушбу умумбашарий муаммонинг оқибатларини юмшатиш, шу жумладан, трансчегара сув ресурсларидан самарали фойдаланиш минтақа мамлакатларидан ўзаро келишилган ва ўзаро мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишни талаб қилади.

Орол денгизи ҳавзаси шўрланиши шароитида биова агробиохилма-хиллик ривожланишининг тақдимоти ҳам тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Айниқса, бу йўналишда ўзбек олимлари томонидан таклиф этилган илмий ишланмалар жонли мунозараларга сабаб бўлди. Бунинг натижаси ўлароқ, томонлар Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланишига замонавий технологияларни қўллаш соҳасида қўшма илмий-амалий лойиҳаларни ишлаб чиқишга келишиб олдилар.

"Жаҳон" ахборот агентлигининг мухбири тадбир якунлари бўйича айрим немис олимлари билан мулоқотда бўлди.

Мартин Каппас, Гёттинген университети кафедра мудири, профессор:

— Иқлим ўзгариши ва унинг Ўзбекистонда ердан фойдаланишга таъсири мавзусида университетимизда ўтказилган мазкур давра суҳбати қишлоқ хўжалиги, сув ва ўрмон хўжалиги ҳамда геофизика соҳаларида фаолият кўрсатадиган олимларимиз ва экспертларимиз учун жуда фойдали бўлди. Биз бугун бу ерда Марказий Осиёнинг трансчегара дарёлари сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва Орол денгизи экологик инқирозининг оқибатларини камайтириш йўллари билан боғлиқ қатор масалаларни муҳокама қилдик.

Бир неча ўн йил ичида Орол денгизининг қисқаргани, шубҳасиз атроф-муҳитга, аҳоли саломатлиги ва генофондига, минтақа ўсимлик ва ҳайвонот оламига жиддий салбий таъсир кўрсатаётгани баробарида минтақада сезиларли иқлим ўзгаришларини ҳам келтириб чиқармоқда. Шу ўринда Ўзбекистоннинг Орол фожиаси оқибатларини енгиллаштириш учун нафақат республика доирасида, балки минтақа ва халқаро даражаларда фаол саъй-ҳаракатлар олиб бораётгани катта эътиборга сазовор эканлигини қайд этишни истар эдим.

Шуниси ҳам диққатга сазоворки, 2013 йили Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раис бўлган Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси "Оролнинг қуриши оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйи экотизими ҳалокатини олдини олиш Дастури"ни қабул қилди. Бундан ташқари, 2014 йили республикада "Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш" мавзусида халқаро конференциянинг ўтказилгани ушбу фожиага жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратиш йўлида муҳим қадам бўлди.

Шуни ҳам қайд этишни истар эдимки, минтақадаги трансчегара сув ресурсларидан фойдаланишда ўзаро ҳамкорлик масаласида Ўзбекистон риоя қилаётган ёндошув жуда конструктив ҳисобланади. Марказий Осиё мамлакатлари трансчегара дарёларининг сув ресурсларидан фойдаланишда бир-бирини ўзаро тўғри тушунишлари, қарор қабул қилинишида келгуси авлодлар манфаатлари, бутун минтақа тинчлиги, хавфсизлиги ва барқарорлиги таъминланиши ҳисобга олинмоғи лозим.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини тобора яқинлашиб келаётган қутлуғ сана – мамлакат Мустақиллигининг 25 йиллик байрами билан чин дилимдан табриклашни истар эдим. Мамлакатларимизнинг илмий ва академик вакиллари ўртасидаги фаол ҳамкорлик алоқалари бундан кейин ҳам бардавом бўлишидан умидвормиз.

Виталий Альтхольц, Гёттинген университетининг халқаро лойиҳалар мувофиқлаштирувчиси:

— Биз бугунги давра суҳбати чоғида Гёттинген университети ва Гулистон Давлат университети ўртасидаги узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйишнинг истиқболларини ҳам муҳокама қилдик.

Шуни қайд этиш керакки, ҳозирги пайтда "Erasmus+" академик алмашувлар дастури доирасида олий ўқув юртимизда ўзбекистонлик талабалар таҳсил олишмоқда, ўзбек докторантлари эса малака оширишмоқда. Биз яқин вақт ичида ўзбек ҳамкасбларимиз билан иқлим ўзгаришини ўрганиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзолашни режалаштирмоқдамиз. Чунки атроф-муҳит муҳофазаси масалалари, экологик муаммоларни ҳал этишнинг энг мақбул йўлларини қидириб топиш нафақат Ўзбекистон учун, балки Германия учун ҳам долзарбдир.

Немис олимлари Гулистон Давлат университетидаги касбдошлари ҳамда мамлакатнинг бошқа ўқув ва илмий муассасалари билан самарали ҳамкорлик қилишдан жуда манфаатдордирлар.

Тўпланган тажрибани ҳамда икки олий ўқув юртининг улкан илмий ва интеллектуал салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда бизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз ҳадемай ўзининг яхши самараларини беражагига ишончимиз комил.

"Жаҳон" АА,
Берлин





ЎзА олган суратлар

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

ТЕННИС. Германияда халқаро турнирда иштирок этаётган истеъдодли теннисчимиз Камола Умарова жуфтлик баҳсларининг биринчи даврасида россиялик Камилла Раҳимова билан бирга мезбон теннисчилар Мина Ходзич ва Анн Элизе Зорнни 6:2, 6:1 ҳисобида мағлуб этди.

Энди Камола ва Камилла навбатдаги босқичда россиялик Наталья Болтинская ва Дарья Назаркина билан куч синашади.

* * *

Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида "Катта дубулға" туркумига кирувчи "Уимблдон – 2016" халқаро турнирининг саралаш баҳсларига ва Халқаро теннис федерацияси – ITF томонидан хотин-қизлар ўртасида Швеция ва Германияда ўтадиган халқаро турнирларга қуръа ташланди.

Қуръа натижаларига кўра, "Уимблдон – 2016" халқаро турнирида қатнашадиган теннисчимиз Фарруҳ Дўстов саралашдаги дастлабки учрашувни япониялик Хироки Мориядга қарши ўтказадиган бўлди.

Тажрибали теннисчимиз Оқгул Омонмуродова Швецияда "Ystad – 2016" халқаро турнирининг асосий тўр баҳсларини норвегиялик Андреа Рахолтга қарши баҳс билан бошлайди. Германиядаги турнирда истеъдодли теннисчимиз Камола Умарова руминиялик Михаела Лорен Маркулеску билан куч синашади.

* * *

ЭРКИН КУРАШ. Польшада эркин кураш бўйича ўтказилган очиқ чемпионатда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Ихтиёр Наврўзов муваффақиятли иштирок этиб, шоҳсупага кўтарилди.

Ихтиёр Наврўзов 70 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида финалгача барча рақибларини енгиб, кумуш медаль билан тақдирланди.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири

Тошкент вилоятида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича 2000 йилда туғилган ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўз якунига етди.

ЮҚОРИ НАТИЖАЛАР КЎРСАТИШДИ

Қизғин ва муросасиз кечган беллашувларда ўз масофаларида етакчига айланиб бораётган истеъдодли спортчилар барчадан ажралиб турди. Байдаркада Денис Онуфриев 200, 500 ва 1000 метр масофаларда барча рақибларидан кучли эканлигини яна бир карра исботлади.

Айни шу масофаларда каноэда ўтган пойгаларда Антон Коломейцевга тенг келадигани топилмади. Қизлар ўртасидаги баҳсда Зарина Исроилова биринчи ўринни қўлга киритди. Таъкидлаш жоиз, мусобақа давомида дарёнинг ён томонидан шамол эсиб турган бўлсада, бу ҳолат спортчиларга юқори натижалар кўрсатишига тўсқинлик қилмади.

ҒОЛИБ БОУЛИНГЧИЛАР ХИТОЙГА БОРИШАДИ

Пойтахтимиздаги "The Bowler" клубида боулинг бўйича Ўзбекистон кубоги доирасидаги навбатдаги муособақа ўз якунига етди.

Бу галги турнир жорий йилнинг октябрь ойида Шанхайда ўтадиган халқаро мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси шарафини ҳимоя қиладиган спортчиларни аниқлаб олиш билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Дастлабки икки кун якуни бўйича пешқадамни таъқиб этиб келган боулингчилар якунда мусобақа ғолибиги айланишди. Эркаклар ўртасида Равшан Абдусамадов ғалабани илиб кетган бўлса, аёллар баҳсларида Сайёра Маҳмудова бош совринни қўлга киритади.

Вакилларимизга бўлажак "QubicaAFM" халқаро турнирида ҳам мана шундай зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида енгил атлетика бўйича бўлиб ўтган халқаро мусобақа терма жамоамиз вакиллари учун омадли ўтди.

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Валентина Кибальникова аёллар ўртасида 100 метрга тўсиқлар оша югуришда кумуш медаяга сазовор бўлди. 800 метрга югуриш беллашувида қизларимиздан Зулфизар Абдуллаева бронза медалига сазовор бўлган бўлса, айни шу йўналишда йигитларимиздан Хуршид Аҳмадалиев иккинчи ўринни қўлга киритди.

1500 метрга югуриш баҳсида Роман Штукан марра чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтди. Кумушой Метякубова эса ўз тоифасида бронза медали билан тақдирланди.

Қизлар ўртасида 100 метр масофада ўтказилган эстафета баҳсида юртдошларимиз шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олишди. 400 метрли эстафетада йигитларимизга тенг келадиган жамоа топилмади. Ядро улоқтириш секторида Андрей Ретунский кўксини кумуш медаль безади.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИМИЗ ШОҲСУПАДА

Польшанинг Шецин шаҳрида Януш Кусоницки хотирасига бағишланган халқаро мусобақа ўтказилди.

Қувонарлиси, ушбу турнирнинг баландликка сакраш секторида иштирок этган ҳамюртимиз Светлана Радзивил шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Вакиламиз бу мусобақада 1 метр 91 сантиметр баландликдан ошиб ўтишга муваффақ бўлди. Ундан кейинги ўриндан 1,88 метр натижа кўрсатган яна бир маҳоратли спортчимиз — Надия Дусанова жой олди.

Мусобақанинг олтин медали 1,99 метр натижа қайд этган мезбон атлет Камила Личвинкога насиб этди. Эътиборлиси, бу кўрсаткич айни вақтда мавсумнинг энг яхши натижаси бўлиб турибди.

Ботир Хўжаев

26 июнь – Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш куни

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 326-умумтаълим мактабида "Ёзни "Камолот" билан" лойиҳаси доирасида "Гиёҳвандлик – инсон умрининг заволи" деб номланган ёшлар акцияси ўтказилди.

ЁШЛАР СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва пойтахтимиздаги "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад ёш авлод саломатлиги, уларнинг келажагига таҳдид соладиган омилларга қарши курашиш, бу жараёнда тарғибот тадбирларини кўпайтириш, мустақил фикрли, соғлом тафаккурли ёшлар сафини кенгайтириш, уларни салбий иллатлардан асраш-дир. Шунингдек, мазкур тадбир ўқувчи-ёшларнинг ёзги мавсумда бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

– Мактабнинг кундузги оромгоҳида мароқ билан дам олишимиз учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган, – дейди ЎзА мухбирига 3-синф ўқувчиси Муштарий Жунайдуллаева. – Мен бу ердаги бадиий гимнастика тўгарагига мунтазам қатнаяпман. Акцияда мустақил диёримиз, Ўзбекистонимизнинг гўзал, обод манзиллари акс эттирилган расмларим билан қатнашдим.

Акция доирасида қувноқ стартлар эстафетаси ташкил этилди. Қизиқарли викторина, спорт мусобақалари, тасвирий санъат асарлари кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Фаол ёшлар ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди.

А.ҚИЁСОВА

ГИЁҲВАНДЛИКНИНГ ОЛДИ ОЛИНМОҚДА

Наркобизнесга қарши курашишда БМТнинг Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш тўғрисидаги конвенцияси муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон 1995 йилда ушбу конвенция ва наркотикларга қарши курашиш борасидаги бошқа халқаро ҳужжатларга қўшилган. Мамлакатимиз уларда белгиланган вазифаларни тўла бажариб келмоқда.

Мамлакатимизда гиёҳвандлик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича давлат тизими шаклланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказидан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда бу офатга қарши курашувчи алоҳида тизим иш олиб бормоқда. Соҳага оид фаолиятни давлат даражасида мувофиқлаштириш учун идоралараро орган – Давлат комиссияси фаолият юритмоқда.

Миллий қонунчиликда гиёҳвандликка оид жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга чек қўйиш, бу борада ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлиги, гиёҳвандликка чалинган шахсларни даволаш ва бошқа муҳим масалаларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказидан олинган маълумотларга қараганда, нарковазият таҳлилида асосий кўрсаткичлар бўйича ижобий динамика кузатилмоқда. Масалан, охирги беш йил давомида рўйхатга олинган гиёҳвандликка чалинган шахслар сезиларли даражада камайган.

Наркожиноятлар ҳам кескин камайган. Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан амалга оширилган тезкор профилактик чоралар натижасида 2015 йилда 2,5 тоннадан ортиқ наркотик моддалар мусодара этилган.

Гиёҳвандликнинг тарқалиши ва унинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш, гиёҳванд моддалар устидан назоратни мустаҳкамлаш борасида халқаро ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилган. БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, ЕХҲТ, Европа Иттифоқи, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доираларида бу борада самарали ишлар амалга оширилмоқда.

ШҲТнинг 2004 йил 17 июнда Тошкентда бўлиб ўтган саммитида Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган. Бу инсон ҳаётига хавф солувчи, турли жиноятларга йўл очувчи гиёҳвандликка қарши курашишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро ҳамкорлик минтақадаги хавфсизликни таъминлаш билан бирга соҳа моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда кадрлар салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Мутасадди идоралар замонавий техника ва зарур воситалар билан таъминланган. Ҳуқуқ-тартибот ва бошқа мутасадди идоралар ходимлари турли ўқув курслари ва семинарларда, шу жумладан, чет эл ўқув марказларида тажриба оширмоқда.

Оммавий ахборот воситалари ҳамда бевосита учрашувлар орқали аҳоли орасида кенг қўламли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ўқув муассасаларида мулоқотлар ўтказиб, ёшларни огоҳликка чақирмоқда. Бу борада жамоатчиликнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари учун ўқув-семинарлар ташкил этилаётир.

Норгул АБДУРАИМОВА

Коммунал хизмат

ОБОД ЖОЙДА ҚУТ-БАРАКА БЎЛАДИ

Фаровонлик ва ободликка интилиш, ўзи яшаётган жойни озода ва файзли қилиш халқимизнинг эзгу фазилатларидан. Обод ва гўзал жойда қут-барака бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги "2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида"ги қарори чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш, улардан хўжалик фаолиятида фойдаланиш муносабатларини тартибга солишга хизмат қилмоқда.

– Ободлик ва орасталик қадриятларимизнинг бир кўриниши, – дейди пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги "Учтепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мухтор Илҳомов. – Маҳалламизда барча хонадон, кўча ва хиёбонлар гўё бўстонга ўхшайди. Ишларни самарали ташкил этиш, атроф-муҳит ва ўзи яшаб турган хонадонни озода сақлаш зарурлигини ёш авлод онгига сингдириш, уларнинг экологик маданиятини ошириш, ҳудудда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида турли кўрик-танловлар ва тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасига қарашли "Махсустранс" ишлаб чиқариш бошқармаси томонидан чиқиндиларни йиғиб олиш, зарарсизлантириш, пойтахтимизнинг санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бошқарма таркибида ўн битта туман автотранспорт корхонаси, чиқиндиларни қайта юклаш станцияси, чиқинди ташувчи махсус автомобилларга хизмат кўрсатиш ва уларни жорий таъмирлашга йўналтирилган "Махсустранс таъмир хизмат" корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Шаҳар ҳудудида кўп қаватли уйлардан иборат турар жой мавзеларида 900 дан ортиқ кўриқланадиган чиқинди йиғиш майдони ҳамда 150 дан ортиқ модул турдаги чиқинди тўплаш майдончаси мавжуд. Ушбу тизимнинг самараси санитария-эпидемиологик муҳит барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 22 январдаги "Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштиришни яхшилаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш доирасида пойтахтимиз қиёфаси тобора ўзгариб бормоқда, шаҳар ободонлаштириш хизматлари замонавий махсус техникалар ва механизация воситалари билан таъминланмоқда. Мазкур қарорга мувофиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва утилизация қилиш тизими модернизация қилинмоқда.

– Ҳозирги кунда туман автотранспорт корхоналарида 371 махсус автомашина мавжуд бўлиб, ушбу техникалардан 153 тасини замонавий "MAN" ва "ISUZU" русумидаги машиналар ва 13 юк ортувчи механизм ташкил қилади, – дейди "Махсустранс" ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Исмоил Саъдуллаев. – Шаҳар бўйича 13 мингдан зиёд махсус контейнер ўрнатилган. Икки минг нафардан зиёд ходимимиз ҳар куни ушбу хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Улар маиший чиқиндиларни тўплаш ва утилизация қилиш тизимини модернизация қилиш, махсус техника воситалари ишини мониторинг қилишда фаол иштирок этмоқда.

Ҳар бир машина учун мақбул йўналиш ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг аксарияти GPS мониторинг тизими орқали мунтазам кузатиб борилади.

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва утилизация қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар пойтахтимизда барқарор санитария-эпидемиологик муҳитни сақлаш, кўчалар, маҳаллалар ва турар жой даҳаларида тозаликни таъминлашга ёрдам бермоқда.

(ЎзА)

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***26 июнь*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 18-20, кундузи – 35-37 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***26-27 июнь*** *ва* ***28 июнь*** *эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

(Газетанинг навбатдаги сони 28 июнда чиқади).

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9227
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 655
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 01.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ